

**2025 йил 6 ой якуни бўйича «Ориент Финанс» ХАТБга
жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатлар таҳлили**


2025 йил 6 ой якунига кўра, «Ориент Финанс» ХАТБга турли алоқа каналлари орқали жами **73 та** мурожаатлар келиб тушди ва улар девонхонадан рўйхатдан ўтказилди. Шу жумладан, электрон шаклда 70 та (98%) ва ёзма шаклда 3 та (2%) мурожаатлар келиб тушган. Мурожаатларнинг 65 таси (89%) жисмоний шахслардан ва 8 таси (11%) эса юридик шахслардан келиб тушган. Турлари бўйича 67 та (92%) ариза ва 5 та (7%) шикоятдан иборат бўлди. Такрорий 4 (6%) та мурожаат келиб тушган.



**Расм. 2021-2025 йилларнинг 6 ой якунида кўриб чиқилган
муружаатлар сони динамикаси**

Жами 73 та мурожаатнинг 64 таси Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонасига, 3 та ёзма шаклда тўғридан-тўғри банк девонхонасига, 1 таси Экспортчиларни қўллаб-қувватлаш порталига, 2 та Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг «Ишонч телефони»га, 1 та Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Ишонч телефони»га ва 2 таси Банк Бошқарув Раиси виртуал қабулхонаси орқали келиб тушган.

2025 йил 6 ой якуни бўйича 73 та мурожаатлар «Ориент Финанс» ХАТБ тизимида ўз муддатида кўриб чиқилди. Жумладан, Банкнинг Бош офисида 7 та, Амалиёт бошқармаси томонидан 20 та, Шайхонтоҳур БХМ томонидан 10 та, Самарқанд БХМ томонидан 6 та, Юнусобод БХМ томонидан 8 та, Миробод БХМ томонидан 6 та, Марказий амалиёт БХМ томонидан 3 та, Чилонзор БХМ томонидан 5 та ва Рақамли БХМ томонидан 8 та мурожаатлар кўриб чиқилган.



- пластик карталар, банкомат ва терминаллар масалалари – 28 (38%)
- кредитлаш масалалари – 23 (32%)
- тўлов тизимлари ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар масалалари – 12 (16%)
- бошқа масалалар – 10 (14%)

Расм. 2025 йилнинг 6 ой якуни бўйича кўриб чиқилган мурожаатларда кўтарилган асосий масалалар.

Учрашувлар натижалари белгиланган тартибда баённомалар билан расмийлаштирилди ва натижаси бўйича мурожаатчиларга асосли ёзма жавоб хатлари юборилди.

Келиб тушган **муурожаатлар мавзуси** таҳлилига кўра қуйидагилар аниқланди:

- пластик карталар, банкомат ва терминаллар масалалари – 28 (38%)
- кредитлаш масалалари – 23 (32%),
- тўлов тизимлари ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар масалалари – 12 (16%),
- бошқа масалалар – 10 (14%).

2025 йил 6 ой якунига бўйича келиб тушган муурожаатлар ўз вақтида кўриб чиқилди ва муддатида назоратдан ечилди.

Муддати ўтган муурожаатлар мавжуд эмас.